



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 128 (12.439)

Баҳоси эркин нарҳда

22
O'ZBEKISTON

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Матбаа

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Дарҳақиқат, халқимизга зиё ва маърифат улашиш, тезкор ахборотларни етказишда пойтахтимизда фаолият олиб бораётган матбаа корхоналарининг ўз ўрни бор. Улар томонидан чоп этилаётган китоб, газета ва журналлар халқимиз маънавиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Ана шундай корхоналардан бири «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйидир.

2004 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этилган «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи бугунги кунда мамлакатимиздаги энг катта матбаа корхоналаридан бири ҳисобланади. Ҳозирда бу ерда ҳафтасига икки миллион нусхадан ортиқ 60 номдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-

Ахборот асрига айланган давримизда босма оммавий ахборот воситаларини ҳаётимизнинг ажралмас қисми сифатида таърифлаш муболақа бўлмайди. Бизга маърифат улашиб, тафаккур ва тасаввуримизни бойитишда матбаа соҳаси ходимларининг беминнат хизмати бор.

маърифий йўналишлардаги газета ва журналлар чоп этилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз матбаа саноатини халқаро даражага етказишда мамлакатимизда самарали ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида ҳам бу борада кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Китоб ва газеталарни си-

фатли ва хорижники билан рақобат қила оладиган тарзда чоп этиш мақсадида янги технологиялар жалб қилинмоқда. Бундан ташқари, сифатли дафтар ва офис қорғозларини ишлаб чиқариб, бутун республикамизга арзон нархда етказиб бериш мақсадида 2011 йилда янги автоматик линиялар ишга туширилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий-ўқув муассасаларида битирувчиларга диплом топшириш ва офицер унвонини беришга бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ЁШ ОФИЦЕРЛАР!

Истиқлол йилларида мамлакатимизда замонавий қурол-аслаҳа ва юқори малакали кадрлар билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди. Замонавий касб кўникмаси, юксак интеллектуал салоҳиятга эга офицер кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 19 апрелда имзоланган «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши Қуролли Кучларни юксак интеллектуал салоҳиятга эга малакали офицерлар билан таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ олий ҳарбий муассасаларда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳарбий касб нуфузини оширишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафи Ватанини ҳимоя қилишга ҳар доим тайёр, содиқ ва қобилиятли мутахассислар билан тўлдирилмоқда.

– Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қилганман, – дейди Тошкент олий умумқўшун қўмондонлик билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаган Жиззах вилояти Бахмал туманидан лейтенант Бахтиёр Синдоров. – Ўқиш даврида касбни тўғри танлаганимга ишонч ҳосил қилдим. Қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникадан фойдаланишни ўргандим, умумтаълим фанлар бўйича билимимни бойитдим, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан кўллаб дўстлар орттирдим. Билим юртида ўрганилаётган материални мустақкам ўзлаштириш учун барча шароит мавжуд, машғулотларни юқори малакали ўқитувчилар олиб борди.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети битирувчиларига ҳам дипломлар тантанали равишда топширилди. Бу ерда 1993 йилдан бунён телекоммуникация ва радиотехнологиялар соҳасида ҳарбий мутахассислар тайёрланмоқда. Факультетда ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўқитишнинг замонавий услуб ҳамда шакллари жорий этилган, дарслар юқори малакали ўқитувчилар томонидан ўтилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан университет проректори Т.Тешабоев ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлиш ҳар бир офицернинг бурчи эканини таъкидлади.

– Ватанини ҳимоя қилиш, жонажон замини ва халқини кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳар бир йигитнинг бурчидир, – дейди лейтенант Акмал Очилов. – Болалигимдан спорт, электроника ва радиотехника билан мунтазам шуғулланиб келаман. Ўқиш давомида ўз билимимни кенгайтириш баробарида шарафли касбни чуқур эгалладим, кучли ва қатъиятли бўлдим. Давлатимиз раҳбарига биз, ёшларга қаратаётган эътибор учун катта раҳмат.

Р.БОНДАРЧУК

ФАҲР-ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

1 июль – Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўм муомалага киритилган кун

ланган давлатларнинг иқтисодий салоҳиятини, пул-кредит сиёсатини жиддий синовдан ўтказмоқда. Кўллаб мамлакатларда давлат қарзи ва миллий бюджетлар тақчиллиги муаммоси ҳал этилмасдан қолмоқда.

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарорлигини таъминлаш имконини берди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, юртимизда тайёрланган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар пул-кредит сиёсатининг изчиллигини таъминлаш, миллий валютамизнинг тўлов қобилиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Пулимизнинг барқарор валюталардан бирига айланиб, тобора мустақамлашиб бораётгани халқаро молия муассасалари томонидан эътироф этилмоқда. Номланиши ҳам, кўриниши ҳам турлича бўлган пулларнинг орасида бизнинг сўмимиз ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уни кўрганимизда қалбимизда миллий гурुरимиз жўш уради. Ўзбекистон фарзанди эканимиздан фахрланамиз. Зеро, дунёда ўз миллий валютасига эга бўлмаган давлатлар ҳам йўқ эмас.

Миллий валютамиз нафақат мамлакатимиз иқтисодий қудратининг, балки халқимиз маънавий, маърифий ва маданий салоҳиятининг кўзгусидир. Унда юртимизнинг бой тарихи ва ўюк келажаги ўз аксини топган. Ўзбек сўмини қўлига олган кишининг қадим Самарқанддаги Регистон

майдони, Тиллақори, Шердор мадрасалари, Ғури Амир мақбараси каби тарихий обидалар, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Давлат академик катта театри, «Истиқлол» санъат саройи, Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали тасвирларига кўзи тушади ва уларни келиб кўришни ҳавас қилади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, сўм ҳақидаги илк маълумотлар X-XI асрларга мансуб бўлиб, дунёдаги ҳеч бир валютанинг номи бунчалик қадимий эмасдир. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилишича, «сўм» сўзи «соф» маъносини билдиради. Буюк Ипак йўлида савдо ривожланган ўрта асрларда, аиниқса, Амир Темур даврида у халқаро аҳамият касб этган.

Истиқлол шарофати билан бу қадимий, табаррук сўз яна тилимизга қайтди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан миллий валютамиз «сўм» деб аталди.

Ўн тўққиз йилдирки, бу қадимий сўзни ҳар кун тилга оламиз, ўзимизнинг миллий валютамиздан фойдаланамиз. Бу валюта давлатимиз иқтисодий қудратини мустақамлаш, ҳаююртларимиз қалбидан ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, мустақиллигимизнинг муҳим рамзларидан бири бўлган миллий валютамиз мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти, халқимиз фахр-ифтихори тимсолидир.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

2013 йил 1 июль, ДУШАНБА

XXI аср
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида янги тахрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг ижросига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда манфаатдор ташкилот ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

● Тошкентда «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВнинг ўрни ва ролини ошириш масалалари ва журналист масъулияти» мавзuida марказий ҳамда худудий ОАВда фаолият юритаётган журналистлар учун семинар ўтказилди. Ушбу тадбирда юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, тахририятлар моддий-техник базасини мустақамлаш ҳамда соҳа вакилларининг иختисослашувини таъминлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

● Обод турмуш йилида Сурхондарё вилоятидаги уч мингдан зиёд фермер хўжалиги 98 минг гектар майдонда галла парваришлаб, мўл ҳосил етиштирди. Воҳада бошоқли донни ўриб-йиғиб олиш ва ҳосилдан бўшаган майдонларни сомон пояларидан тозаллаб, пешма-пеш шудгор қилиш ишлари қизғин паллага кирди.

● Наманган шаҳрида касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўртасида ўтказилаётган «Энг яхши ахборот-ресурс маркази» республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган ахборот-ресурс марказлари ходимлари голиблик учун кураш олиб борди.

● Бухоро шаҳрида ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида қатнашган фуқаролардан 337 нафари ўз ихтисослиги ҳамда қизиқишига мос иш билан таъминланди. Таъкидлаш керакки, улардан 169 нафари касб-хунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлардир.

ЖАҲОНДА

● Швейцариянинг «Swiss international Air Lines» авиакомпаниясига қарашли самолёт бортидан парвоз пайтида 1,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги нақд пул йўқолган. Буни лайнер Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди халқаро аэропортига қўнганидан сўнг билиб қолишди. Ҳозирча пулларнинг қандай йўқолганлиги номаълум. Унинг самолёт ҳавога кўтарилмасидан олдин ўғирлаб кетилганлиги таҳмин қилинмоқда.

● Олимларнинг тадқиқотларига кўра, грипп пневмония билан касалланиш хавфини 100 марта оширар экан. Гап шундаки, вирусли ёки бактериал тарзда кечадиган пневмония бугунги кунда юқумли касалликлар ўртасидаги ўлимлар сони бўйича рекордчи ҳисобланади. Ҳар йили бутун жаҳон бўйлаб 450 миллионга яқин киши ушбу хасталикка чалинадиган бўлса, шундан 4 миллионга яқини ҳаётдан кўз юмadi.

● Буюк Британия молия вазири Жорж Осборн давлат маблағларини қатъий иқтисод қилиш дастури доирасида бундан бунён ҳам давлат харажатларининг қисқартириб борилиши тўғрисида маълум қилди. Яъни, давлат харажатларини жами 11,5 миллиард фунт стерлингга қисқартириш режалаштирилмоқда.

● Ҳиндистон жанубидаги Годавари дарёси ҳавзасида йирик табиий газ кони топилди. Маълумотларга кўра, унинг захиралари 7 миллиард куб метр дея баҳоланмоқда. Ушбу қондан газ қазиб чиқариш ҳуқуқини қўлга киритган Ҳиндистоннинг «Релайенс индастрис лимитед» холдингининг директорлар кенгаши раиси Мукеш Амбанининг таъкидлашича, Андра-Прадеш штатидаги янги газ қонида 3-4 йил давомида бир кунда 40 миллион куб метрга яқин табиий газ чиқариш кўзда тутилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов 1991 йил 31 августда имзолаган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда истиқлолимизнинг энг муҳим тамойиллари ўз ифодасини топган. Унинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги – миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қорғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли эканлиги мустақамлаб қўйилган.

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлини танлаган илк кунлардан бу масалага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Негаки иқтисодий қарамликдан халос бўлмай тўла мустақилликка эришиш қийин. Бунинг учун кўллаб давлатлар узок ва машаққатли йўл босиб ўтган. Собиқ тузум даврида юртимиз фақат хомашё ҳудуди сифатида марказга «ипсиз боғлаб» қўйилган, халқимиз кескин ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобиде қолган эди.

Ана шундай мураккаб бир пайтда узокни кўзлаб амалга оширилган оқилона ислохотлар самарасида Ўзбекистонимиз қисқа вақтда ўзининг галла мустақиллиги, ёқили-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигига эришди.

Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 16 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ 1994 йил 1 июлдан миллий валютаси – сўмининг муомалага киритилиши мамлакатимиз мустақиллигини янада мустақамлади.

Бугун истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирганда иқтисодиётимизнинг изчил ривожланиши, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро муносиблиги, инфляция даражасининг пастлиги, аҳоли фаровонлигининг юксалаётганлиги билан бир қаторда миллий валютамизнинг барқарорлашиб бораётганини ҳам фахр билан тилга оламиз.

2008 йилда бошланган ва ҳамоно давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳатто ривож-

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ёшларни янги ҳаёт, янги жамият барпо этишдек улғу мақсад йўлида жипслаштириш, ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллиги ва маҳоратини ошириш, улар орасидан иқтидорлиларини кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловлар

ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Танлов мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида эълон қилинган бўлиб, унда пойтахтда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ҳамда тахририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган 70 нафардан зиёд ижодкорлар иштирок этди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши, «Тошкент» телерадиоканали ҳамда «Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур танловга матбуот, телерадиожурналистика, фото

ва интернет журналистика йўналишлари бўйича ижодий ишлар тақдим этилди.

Танловнинг шаҳар босқичи ҳакамлар хайъати аъзолари томонидан ушбу ишларни баҳолашда ёш муаллифларнинг дунёқараши, фикрлаш доираси ва томошабин, тингловчи ҳамда ўқувчи эътиборини жалб қила олиш, мавзу танлаш ва унинг моҳиятини очиб бериш қобилиятлари, мақола (кўрсатув, эшиттириш, фотосурат)ларнинг мазмуни, қамрови, жозибадорлиги, уларда мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган имкониятларнинг акс этганлик даражаси, юртимизда амалга оширила-

ётган ёшларга оид давлат сиёсати самараларининг тарғиботи каби меzonларга таянилиб, якуний ҳулосалар чиқарилди.

Кўрик-танловнинг шаҳар босқичи якунига кўра матбуот йўналиши бўйича Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультети талабаси Дилшод Рўзиқулов, телерадиожурналистика йўналиши бўйича «Тошкент» телерадиоканали муҳбири Азиза Абдуллаева, интернет журналистика йўналиши бўйича toshkent.uz веб-сайти жамоатчи муҳбири Шахноза Кудратхўжаева, фотожурналистика йўналишида эса «Тошкент оқшони»

ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг фотомуҳбири Ислон Исмоиловлар ғолиб деб топилди, танловнинг республика босқичига йўланмани қўлга киритишди.

— Мен телерадиожурналистика номинацияси бўйича ғолиб бўлганимдан жуда ҳурсандман. Бунинг учун авваламбор устозларимга, ижод қилишга кенг имкониятлар яратилган «Тошкент» телерадиоканали жамоасига ўз миннатдорчилигимни билдираман, — дейди Азиза Абдуллаева. — Эндиликда янада фаол бўлиб, давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилаётган шароит ва имкониятларни кенг тарғиб этишга ҳаракат қиламан.

Ғолиблар кўрик-танловнинг ноябрь ойида ўтказиладиган республика босқичида иштирок этишади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида
«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби
тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон
Республикасининг Давлат байроғи
тўғрисида»ги қонунлари талабларига риоя
этилишининг долзарб масалалари» мавзусида
семинар бўлиб ўтди.**

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, бозор талаб-ёғтиҳларидан келиб чиққан ҳолда инвестициялар жалб қилиш борасида ҳам корхонада муайян ишлар бажарилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорада Германия, Бельгия ва Туркия давлатларидан жами 442 минг долларлик янги дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Ушбу технологиялар чоп этилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга иш унумдорлигини ҳам оширмоқда.

— Мустақиллик йилларида юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби матбаа соҳасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилди, — дейди «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи раҳбарининг биринчи ўринбосари Муҳаммадjon Зайтаев. — Жумладан, сўнгги пайтларда нафақат газета-журнал, балки китоб ва бошқа маҳсулотларни чоп этишда ҳам юқори сифатга эришдик. Нашриётимизга замонавий технологияларни жалб этиш ишлари изчил давом этмоқда. Жорий йил якунига қадар Германиядан китобларни тикишга мўлжалланган иккита дастгоҳ ҳамда рақамли чоп этиш мосламаларини олиб келиб режалаштирилган.

«Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор

қаратмоқда. Бу борада Чилонзор ҳамда У.Носир номидаги матбаа коллежлари битирувчилари билан шартномалар тузилиб, уларни ишга қабул қилиш борасида келишувлар олиб борилмоқда. Ҳозирда мазкур коллежларни тамомлаган 20 дан ортқ ёшлар билан корхонада доимий ишлаш учун шартномалар тузилди.

Бугунги кунда корхонада 650 дан зиёд ишчи-хизматчи фаолият олиб бормоқда. Нашриётда улар учун барча шарт-шароитлар яратилган, бир маҳал бепул овқат ва кийим-кечак билан таъминланган.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи жамоаси учун ҳам қўлғу келди. «Ўзбекистон» наشريёти Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан «Йилнинг энг яхши матбаа корхонаси» деб топилди ва махсус диплом билан тақдирланди.

Халқимизга зиё улаштиришда тинимсиз меҳнат қилаётган «Ўзбекистон» наشريёт-матбаа ижодий уйи жамоасини эришган ютуқлари билан қўтланган ҳолда келгусида ҳам ана шундай меҳнат зафарларига эришишларини тилаб қоламиз.

**Абдуалим САЛИМОВ
Ислон Исмоилов олган сурат**

Қарор ва ижро

ИМТИЁЗ — ТАДБИРКОРЛАР ФАРОВОНЛИГИ ГАРОВИ

Хусусан, Республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эътиҳоналар борақор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму кўст тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ижам корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида Президентимиз томонидан 2009 йил 26 январда «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарор қабул қилинган.

Мазкур қарорга мувофиқ 2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб гўшт-сут маҳсулотини санаот қўлимида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги фаолият фақат юридик шахс шаклида ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади ҳамда ушбу корхоналарга ўз маҳсулотини автофургоналарда аҳолига нақд пулга сотиш ҳуқуқи берилди. Бунда нақд маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар қуни инкассация қилиниши шарт эканлиги қайд этилган.

Тижорат банкларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича белгиланган тартибда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда зарур бўлган технология ускуналари, хом ашё ва материаллар сотиб олиш ҳамда томчилаштириш сўғориш тизимларини харид қилиш учун маҳсулот

Маълумки тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз ҳудудига четдан товарлар олиб келинишини тартибга солиш, маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга кенг шароитлар яратиш, банкдан ташқари нақд пул муомаласини қисқартириш, инфляциянинг олдини олиш, бозорларни ихтисослаштириш-замонавийлаштириш, бозорда монопол рақобатни чеклаш борасида қатор чоралар кўрилмоқда.

ишлаб чиқарувчи корхоналарга ва иссиқхоналар барпо қилиш ҳамда томчилаштириш сўғориш тизимини татбиқ этиш учун фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш учун банк кредит портфелининг қамиди 20 фоизи миқдориди (марказлаштирилган ресурслар ва халқаро молия институтларининг жалб этилган маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар ҳамда бундан мустасно) махсус кредит линиялари очил тавсия этилган.

Шу билан бирга 2014 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда қўлидаги солиқ ва божхона имтиёзлари берилган.

— асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўловчи ставкаси 50 фоизга камайтирилиб, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек,

хом ашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш лозим бўлади;

— гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинган.

Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлари орқали тадбиркорлиқни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг банк-молия муассасаларидан кредит маблағлари олишларини осонлаштириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳажминини камайтириш орқали сезиларли даражада ижобий ўзгаришларга эришилмоқда.

**Нуриддин ГУЛЯМОВ,
Саидаббосхон ХАСАНОВ,
Чилонзор тумани ДСИ ходимлари**

ҚОНУНЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЁРИТИШДА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати БМТнинг
«Парламент ривожланишини қўллаб-қувватлаш» тараққиёт дастури
лойиҳаси билан ҳамкорликда
«Қонунчилик фаолиятини
жамоатчиликка етказишда
журналист маҳорати» мавзусида
Парламент журналистлари
клубининг йиғилиши ўтказилди.**

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Бахтиёр Ёкубов мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг шифофлиги, очкилиги ва ошқоралигини таъминлашда ОАВнинг тутган ўрни, парламент фаолиятига оид тадбирларни тезкор, ҳақоний ва холисона тарзда кенг жамоатчиликка етказишда журналист маҳорати ва уларнинг машаққатли ҳамда масъулиятли меҳнатларини алоҳида эътироф этди.

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати фаолияти йўлга қўйилган, парламент журналистларини тайёрлаш ҳамда ихтисослашувига алоҳида эътибор қаратилди. Парламент фаолиятини ёритувчи журналистларнинг касб маҳорати ва тажрибасини ошириш, ОАВ вакиллари билан Қонунчилик палатаси ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Парламент журналистлари клуби йиғилишлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Клуб ҳар ойда журналистика соҳаси экспертлари иштирокида мажлислар ташкил этмоқда. Унда парламент ҳаётини ёритиш бўйича тажриба алмашишмоқда, эфирга узатилган ва чоп этилган материаллар таҳлил қилинмоқда, фаол журналистларнинг материаллари баҳолашиб, тақдирланмоқда.

Тадбирда «Парламент қонун ижодкорлигининг янада такомиллашуви ва унинг ОАВда ёритилиши», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очкилиги ва ошқоралигини таъминлашда журналист масъулияти» мавзуларида маърузалар тингланди. Маърузаларда палатанинг қонун ижодкорлигини тубдан такомиллаштириш, қонунларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тезкор етказиш, хусусан бир қатор қонун ҳужжатларига киритилаётган муҳим ўзгаришлардан аҳолини хабардор этиш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Йиғилганларнинг савол-жавоблари, фикр-мулоҳазаларидан сўнг парламент фаолиятини самарали ёритишда фаоллик кўрсатган бир гурӯҳ ОАВ вакиллари тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА

Алоқа

ЯҚИН ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Алоқа соҳасидаги лойиҳа-смета
ҳужжатларини экспертиза қилиш
бўлими «Уникон.Уз» давлат унитар
корхонаси буюртмаларини бажариш
борасида самарали изланмоқда.**

Бугунги кунда экспертиза бўлими бошқа ташкилотларнинг ҳам тор мутахассислари — лойиҳачиларини жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Бўлим турли умумий ва идоравий фойдаланиш тармоқлари операторларининг телекоммуникация объектларини куриш учун ишчи лойиҳалар экспертизаси ўтказиш алоҳида амалга оширишда сифат кўрсаткичларига эришмоқда. Радиотеле алоқа, симли алоқа, маълумотлар узатиш, мобиль радиотелефон (уяли алоқа), радиоэшиттириш ва телевидение, кабель телевидение тармоқлари, локал ҳисоблаш тармоқлари ва бошқалар бўйича олиб борилаётган изланишлар ҳам эътиборга лойиқдир. Телекоммуникация объектларини лойиҳалаштириш учун Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси лицензиясига эга бўлган корхона ва ташкилотлар билан доимий равишда ҳамкорлик ҳам ўрнатилди.

Баҳром АҲМЕДОВ

ЁШЛАРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ ДИҚҚАТГА САЗОВОР

**Чексиз юлдузлар, фазовий
сайёралар сирини
қизиқтирмайди, дейсиз. Ўқувчи-
ёшлар орасида фазо шайдолари
кўп.**

Ёш астрономлар ва фазогирлар тўғрагига аъзо бўлган толиби илмларнинг қуёш ва юлдузларни кузатиш борасида олиб бораётган изланишлари айниқса, диққатга сазовор.

Республикаимиздаги бундай тўғрақлар фаолияти Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти томонидан мувофиқлаштирилади. Илмий муассаса ёрдамида ёшлар ўзгаришчи юлдузлар ҳолатини ўрганмоқда. Изланувчан ёшлар бир неча юлдузларни расмга олиш учун махсус харита тузишда иштирок этишди. Бу билан астроном олимларнинг ўзлари ҳам қизиқиб қолишди.

Қуёш тўғрисидаги кузатиш учун уюштирилган астрономик экспедицияга тўғрақ аъзолари ҳам қатнашди. Улар қуёшни турли ҳолатларда 150 марта расмга туширишди.

Ботир АЛИЕВ

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳридаги давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда назорат қилувчи идоралар томонидан юқоридидаги қонунлар талабларига риоя этилиши юзасидан ўрганишлар ўтказилди. Уларнинг натижаларига бағишланган семинар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими ва Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, адлия, ички ишлар, солиқ, божхона бошқармалари ҳамда шаҳримиздаги тегишли давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг раҳбар, масъул ходимлари иштирок этган семинар давлат органлари фаолиятидаги мавжуд тизимли муаммо ва камчиликлар, уларнинг олдини олиш ва бу борада амалиёт ва қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш ва уларни чўқур муҳофаза қилишга бағишланди.

— Мамлакатимиз истиқлолга эришган, халқимиз ўз олдида эзгу ва улғу мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечириш, ўз қуч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади, — дейди Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимининг бошлиғи Дилшод Чиниёев. — Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси барча соҳалар сингари суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишнинг янги босқичини бошлаб берди. Маълумки, Концепцияда белгиланган устувор вазифаларнинг ижроси юзасидан давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва жойларда унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятлар ҳуқуқни қўллаш фаолияти устидан тизимли мониторинг ва назорат олиб боришининг янги механизми ишлаб чиқилди. Бу борада, Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчиликни таъминлаш юзасидан аниқ чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг май ойида Тошкент шаҳридаги давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда назорат қилувчи идоралар томонидан «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунлари талабларига риоя этилиши аҳоли ўрганилди. Ўрганиш Тошкент шаҳар ИИББ билан ҳамкорликда ташкил қилиниб, аниқланган қонун бузилишлар юзасидан жойининг ўзида маъмурий баённомалар тузилди. Ҳудудий бўлим томонидан мазкур қонун бузилишларини бартараф этиш билан бирга, энг аввало уларни келтириб чиқараётган сабабларнинг олдини олишга эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг тарғибот ва ҳуқуқий маърифат бўлимининг бошлиғи Абдор Бердиевнинг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалалари», Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси юридик маслаҳатчиси Шухрат Шариповнинг «Давлат суверенитетининг белгиси сифатида байроқ ва гербининг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти» ва бошқаларнинг маърузалари йиғилганларда қизиқиб ўйотди.

Қонунчилик талабларини ҳуқуқий тарғибот кўринишида тарғиб қилиш, бундай ҳолатлар қандай ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаришини кенг жамоатчилик эътиборига етказиш мақсадида ташкил этилган мазкур семинар юзасидан керакли тавсиялар ишлаб чиқилди, тақлифлар билдирилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Маънавият-тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими, Маданият ва спорт ишлари, «Камолот» ЁИХ, «Ватанпарвар» ташкилоти, Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлимлари томонидан 63, 117 ва 272-умумтаълим мактабларида ёзи таътил гаштини сураётган ўқувчилар иштирокида «Ўзбекистон ёшлари гитхандликка қарши» мавзусидаги тадбир ўтказилди.

«Ёз — 2013»

БОЛАЖОНЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ



Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, глобаллашув жараёнида кириб келаётган турли иллатларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш мақсадида уюштирилган маданий ва спорт тадбирлари давомида ёшлар 100 метрга югуриш, халқа ичидан ва тўсиқдан ўтиш, мерганлик бўйича ўз куч-маҳоратларини намойиш этишди. «Орзуларим дунёси» мавзусидан келиб чиққан ҳолда асфальтга расм чизишди.

Тадбир давомида иштирокчиларга гитхандликнинг қандайд зарарли иллат эканлиги мисоллар орқали тушунтирилди.

Даврон НУРМАТОВ
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Республикада вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан қонунчилик тизимини яратиш борасида бир қанча самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Бола ҳуқуқларининг қоплоқлари тўғрисида»ги қонун, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги қонунлар ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури фарзандларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг доимий ҳимояда эканлигини аниқлатади.

ЁШЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг қатор моддаларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қамситишчи ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган. Вояга етмаган қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш бўйича ҳам тегишли ҳуқуқ нормалари мавжуддир. Бунинг натижасида қизларимиз ҳаётида тегишли қараб, мустақил фикрлаб, бирон-бир касбини ўзлаштириб ёки ўқиб, сўнгра турмушга чиқишапти.

Яқинда республикада Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўра «Нихос ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» тўғрисидаги нормалар қабул қилинди. Бу нормалар Жиноят кодексига 125-1-модда, Маъмурий кодексга эса 47-3-модда бўлиб киритилди. Бунда нихос ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда нихос муносабатларида қиришганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгиланди. Бундан ташқари, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, дин вакиллари ва ҳаётда бу борадаги масъулиятларини оширишлари учун уларга ҳам тегишли ҳуқуқ чоралари белгилаб қўйилди. Бу нормалар олдида қўйилган мақсад эса 16 ёшга етмаган шахсларнинг дахлсизлиги, қолверса, уларнинг жисмонан ва ақлан соғлом вояга етишликларини таъминлашдан иборатдир.

Яқинда Чилонзор туманида жойлашган «DARVIN SERVIS» хусусий клиникаси раҳбарияти томонидан ҳали вояга етмаган 1996 йил 14 сентябрда туғилган Мустара Рустамова (номи ўзгартириб қўйилган) УЗИ қўриғидан ўтказилганда унинг ҳомиладор эканлиги аниқланган. Клиника раҳбарияти томонидан бу ҳақда дарҳол Сергели туман ички ишлар бўлимига хат билан мурожаат қилинган. Ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб бориладиган. Аниқланганча, 1991 йилда Сергели туманида туғилган Тўхтасин Нурбоев (номи ўзгартириб қўйилган) Мустара билан аввалдан ўзаро бир-бирларини яхши кўриб келишган ва 2012 йилнинг июль ойида М.Рустамовани хали 16 ёшга тўлмаганлигини билган ҳолда Тўхтасин у билан яқин муносабатда бўлган. Бундан уларни ота-оналари воқиф бўлиши, август ойида Зағиота туманида жойлашган «МОИДА» тўйхонасида уларнинг нихос тўйи бўлиб ўтган ва улар кейинчалик Сергели туманида бирга яшаб келишган.

Мазкур ҳолат бўйича М.Рустамова Т.Нурбоевни яхши кўриши, у билан ўз хоҳишига қўра беришга бўлиганини, ФХДБдан нихосдан ўтиш учун эса ёши етмаганини, хатто масжидга бориб нихос ўқитмоқчи бўлишганида домларар бундан бош тортишганини айтган.

Шу тариқа Тўхтасин ўзининг ушбу ғайриқонуний ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 128-моддаси 2-қисмида қўрсатилган жиноятни содир қилган. Шунинг учун суриштирув жараёнида Тўхтасин Нурбоев унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорини қўллашни илтимос қилиб, ариза билан мурожаат қилган.

Яна ҳудди шунга ўхшаш воқеа Учтепа туманида ҳам юз берди. Мансур Сарваров ҳам Сайёра Халиловани (исм-шарифлар ўзгартирилган) 16 ёшга тўлмаганлигини била туриб у билан алоқада бўлган. Натижада Сайёра ҳомиладор бўлиб қолган. Суд мажлисида М.Сарваров ҳам ариза билан мурожаат қилиб, унга «Амнистия тўғрисида»ги қарорни қўллашни илтимос қилган.

Бу ички ҳолат бўйича ҳам Тўхтасин Нурбоев ва Мансур Сарваровлар амнистия қарори асосида уларнинг айбиллиги масаласини ҳал қилмай туриб жавобгарликдан озод қилинганлар.

Кўриб турганимиздек, ёшларимизнинг эҳтиросларига берилиб, содир қилиб қўйган ҳолатлари уларни суд залигача олиб бори. «Гуруҳ қурмаски бўлмайди» деганларидек ёшларимиз орасида онда-сонда шундайлар ҳам учраб туради.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига қўра, 12 йиллик узлуқсиз таълимни амалга ошириш барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

МАЗМУНЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШМОҚДА

Мазкур тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Бундан қўзланган асосий мақсад болажонларни «Тарихсиз келажак йўқ» ғояси остида бирлаштириш, кўтаринки кайфият улаштириш, уларга меҳр-муҳаббат кўрсатиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналаримизни чуқур сингдиришдан иборат.

Болажонларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун 31,110,147- умумтаълим мактабларида оромгоҳлар ташкил этилган. Ҳар бир оромгоҳда маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, кутубхона, турли тўғараклар ташкил этилиб, кўнгилочар тадбирлар ҳамда сўлим ва гўзал қадамжоларни зиёрат қилишлари учун

Миробод туманидаги умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ёзи таътиллари мазмунли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Давлат санъат ҳамда Ўзбекистон Давлат тарих музейларига экскурсия уюштирилди.

экскурсиялар ҳам ташкиллаштирилган.

Экскурсиялар давомида тумандаги умумтаълим мактабларидаги болажонлар музейда жамланган экспонатларни томоша қилиш орқали миллатимизнинг тарихи ва маданияти билан танишадилар.

Ўтмишсиз келажак йўқ, дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман Кенгашининг бош мутахассиси Дилноза Ҳасимова. — Буюк тарихий шахсларнинг номини эсга олган ҳар бир инсоннинг қалбида Ва-

танга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари уйғонади. Масалан, Андижон шаҳрини тилга олсак дастлаб, шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур кўз олдимизга келади. Бобур буюк темирйўлар сулоласидан. У Амир Темурнинг набирасидир. Ўйлашимизча болажон хотирасида таътил кунлари ҳаётидаги энг ширин дамлар ва эсда қоларли воқеалар сифатида сақланиб қолади.

Экскурсия сўнггида болажонлар таассуротлари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

Ҳабиба Йўлдошева

Маълумки, ички ишлар ходимлари хизмат вазифалари тақозоси туфайли аҳолининг турли қатламлари билан ўзаро муомалада бўлишларига тўғри келади. Шундай ҳолатларда уларнинг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига заррача путур етказмасдан муносабатда бўлишлари катта аҳамиятга эга.

МАЪРИФАТ ДАРСЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Шу жиҳатдан олганда, пойтахт ички ишлар идоралари ходимлари шахсий таркиби томонидан ходимлар ўртасида маънавият ва маърифат дарсларини ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Минтақавий вакилиги мутахассислари ва экспертларининг қатнашуви ҳамда улар томонидан маҳорат дарсларини ўтишни ташкил этиш мумкин аҳамият касб этади.

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ идоралари ходимлари шахсий таркиби томонидан ўтказилган маънавият-маърифат дарсларида ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар Минтақавий вакилиги бош мутахассиси А. Абдурахмонов иштирок этиб, ўз маърузасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигига эришилгандан сўнг Юртбошимиз ташаббуси

билан МДХ республикалари ичида биринчи бўлиб мамлакатимиз ҳаётида Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилилик (Омбудсман) институти ташкил этилганлиги, унинг вазифалари, ваколатлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари идоралари билан ўзаро муносабатлари ҳақида тўхталиб ўтгани йилгиланлар ижтимоий-сиёсий онгини юксалтиришда ўзига хос ўрин тутди.

Тошкент шаҳар ИИББ ЁИХ бошқармаси ходимлари шахсий таркиби томонидан ҳам ҳудди шундай учрашув ташкил этилиб, тингловчиларга ўғит ҳамда кўрсатмалар берилгани бугунги кунда ички ишлар ходимларининг ўз ишига нисбатан нақадар масъулият билан ёндашаётганларидан далолат беради.

Шаҳризода МАМАНАБИЕВА,
Учтепа иқтисодиёт ва сервис коллежи битирувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
Тошкент солиқ коллежи
Олий маълумотли ишлаб
чиқариш устози вазифасига
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда олий маълумотли мутахассислиги бўйича солиқ ва солиққа тортиш, бухгалтер, молиячи ва иқтисодчи бўлган, 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга, коллежда ишлашга салоҳияти ва истаги бўлган ва чет тилларидан бирини мукаммал ўзлаштирган, компьютер саводхонлиги юқори бўлган мутахассислар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари коллежнинг олий маълумотли ишлаб чиқариш устози вазифасига бўйича танловда қатнашишлари мумкин.

Танловда топширилиши зарур бўлган ҳужжатлар:

- коллеж директори номига ариза;
- сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси), яқин қариндошлари ҳақида маълумот ва таржимаи ҳол;
- диплом нусхаси;
- меҳнат дафтарчасидан кўчирма;
- паспорт нусхаси;
- 3х4ўлчамли 6 дона ва 9х12 2 дона рангли фотосуратлар;
- 086-У шахлдаги тиббий маълумотнома;
- наркология, силга қарши курашиш ва руҳий-асаб диспансерларидан маълумотнома;
- охирги иш жойидан тавсифнома;
- маҳалладан (яшаш жойидан) тавсифнома ва яшаш ҳақида маълумотнома;
- кафиллик 2 дона ва фикрнома 2 дона;
- ҳарбий билет нусхаси.

Изоҳ: Танловда қатнашиш истагида бўлган фуқаролар
Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда бўлишлари керак.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун давомида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 3-уй.
Телефон: 274-42-69

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши
тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига
таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан тақдим қилинган қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: 16.04.2012й. даги 10-1214/1875-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошланғич нархи — 20 000 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Дониш кўчаси, Юнусобод дехон бозори, 1-айвон ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 9,0 кв.м. бўлган 77-сонли савдо дўкони қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йилнинг 2 август кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига 1) Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдим қилинган қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: 1.23.07.2012й. даги 10681-82/11-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошланғич нархи — 56 500 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, ТашПЭС кўчаси, 28-уйда жойлашган умумий фой.майдони 59,52 кв.м., яшаш майдони 33,32 кв.м. бўлган 2 хонали 40-хонадон. 2) Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент вилоят Жиноят ишлари бўйича судининг 08.11.2011й. даги ижро варақасига асосан, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган, бошланғич нархи — 364 432 425 сўм бўлган, «Арқони Зафар» МЧЖга тегишли, Шайхонтоҳур тумани Жарадиқ кўчасида жойлашган умумий майдони 453 кв.м., 2 қаватли ва ертўладан иборат, умумий хоналари сони 10 та, умумий йўлақлар сони 2 та, 1 та ёрдамчи хона, 1 та ховатхона, 1 та ошхонаси мавжуд бўлган бино кўчмас мулклар қўйилмоқда.

Такрорий аукцион савдоси 2013 йилнинг 19 июль кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.
Лицензия: №0039

«Кўп тармоқли иқтисослаштирилган аукцион савдо» МЧЖ (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Дероз» хусусий корхонасида сақланаётган 22.06.2012 йилдаги №9099/15-сон ижро ҳужжатида асосан 1. Бисквит ишлаб чиқариш линияси (Автоматическая технологическая линия по производству бисквита производительнось 100 кг/час) бошланғич нархи 920 000 000 сўм. 2. Кремль вафли ишлаб чиқариш линияси (Автоматическая технологическая линия по производству наполненных кремом плоских вафель, производительнось 420 кг/час) бошланғич нархи 880 000 000 сўм қўйилади. Аукцион савдолари 2013 йилнинг 18 июль кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

Ҳурматли юртдошлар!

«Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш акция-дорлик жамияти Сизларга Кисловодск (Россия) ва Ялта (Украина) шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сихатгоҳларида табиат қўйнида ҳордиқ қириқиб, соғлигингизни тиклаб олишни таклиф қилади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., С. Азимов кўчаси, 65-уй.

Телефонлар: 233-55-18, 232-67-13, 233-64-92.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 04.03.2011 йилда №006 344-04 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «ALUM TECH» МЧЖ (ИНН 301881430) тугатилади.

Давлолар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: (+99895) 199-76-11.

Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицей томонидан 2011 йил 10 июнда Махмуджонов Шохжаҳон Улуғбек йўли номига берилган 128 рўйхат рақамли, Л № 122300 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат тиббиёт институти 1-клиникаси қошидаги тиббиёт билим юрти томонидан 1985 йил 13 июлда Абдуллаева Саноат Учқуновна номига берилган 1223 рўйхат рақамли 3Т-1 №858935 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

